



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 12 МАЙ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 93 (12.654)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Қарор ва ижро

ОБОД ЙЎЛЛАР ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Анжуманда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 22 апрелда қабул қилинган «2009-2014 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистрални реконструкция қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ҳамда 2010 йил 21 декабрдаги «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»-ги Қарорлари соҳа ривожига дастуруламал бўлаётгани таъкидланди.

Ушбу қарорларга мувофиқ 2014 йилнинг биринчи чора-тадбирлари доирасида объектда 534 километр узунликдаги автомобиль йўллари фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Инвестиция дастури доирасида маҳаллий пудратчи корхоналар 534 километр йўл қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 503,4 миллиард сўмлик шартномалар тузган бўлиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Тадбирда ҳисобот даврида компания томонидан 171,1 миллиард сўмлик йўл

«Ўзавтйўл» давлат-акциядорлик компанияси томонидан жорий йил биринчи чора-тадбирлари доирасида амалга оширилган ишлар ва келгуси вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

қурилиш, таъмирлаш, сақлаш ва ташқи пудрат ишлари ба- жарилгани маълум қилинди.

Мамлакатимизда 42 минг 654 километр умумфойдаланишдаги, жумладан, халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга эга автомобиль йўллари мавжуд. Уларни техник соҳа ҳолатда сақлаб, транспорт воситаларининг узлуксиз ва ҳавфсиз қатновини таъминлаш борасида «Ўзавтйўл» компанияси томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2014 йилнинг 1-чора-тадбирида халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга эга 42 минг 654 километр узунликдаги автомобиль йўлларида 118 миллиард сўмлик сақлаш ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Бу борада компания тар- кибидаги ҳудудий корхона- лар, автомобиль йўллари сақлаш учун масъул идора- лар, илмий-тадқиқот инсти- тутаи ва махсус қурилиш кор- хоналари фаолияти самара- ли бўлаётди.

Ўзбек миллий автомагист- рали бўйлаб йўл инфра- структураси ва сервисини ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Йўловчилар ва ҳайдовчиларга қулайлик яра- тиш, хизмат кўрсатиш сифа- тини яхшилаш мақсадида ҳозирга қадар бир қатор хизмат кўрсатиш шохобча- лари, меҳмонхоналар қури- лди. 2014-2015 йиллар давомида сервис хизмати кўрсатувчи бундай объектлар сони яна- да ортади.

Тадбирда соҳага хорижий сармояларнинг кенг жалб этилаётгани мамлакатимиз автомобиль йўлларидаги сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишига хизмат қили- ши қайд этилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДАГИ ТАЖРИБАСИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ЭКСПЕРТЛАРИДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТДИ

Сеул шаҳрида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – фуқаролик жамиятини мустақамлашнинг муҳим механизми» мавзуга бағишланган халқаро илмий-амалий давра суҳбати бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда Ўзбекистоннинг маҳалла институтини ривожлантириш мисолида фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги тажрибаси муҳокама этилди. Илмий-амалий давра суҳбатида Жанубий Корея эксперт- таҳлил доиралари вакиллари қатнашдилар.

Ушбу тадбир Ўзбекистоннинг Корея Республикасидаги эл- чихонаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Рес- публикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви акаде- мияси томонидан Жанубий Кореянинг «Ипак йўли» жамғарма- си ва Ханянг университети ҳузуридаги Осиё-Тинч океани тад- қиқотлари маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Бугунги кунда мунтазам равишдаги мулоқот ҳамда муноса- батларни янада самарали ривожлантиришга бўлган мушта- рак интилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Рес- публикаси ўртасидаги ўзаро алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Ҳар икки мамлакат улкан иқтисодий салоҳиятга эга, улар ўртасида энг қулай режим амал қилмоқда. Маданий-гуманитар алоқаларни мустақамлаш ҳамкорлигининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Таълим, илм-фан, спорт, маданият, тиббиёт ва сайёҳлик соҳаларидаги алоқалар самарали ривожланиб, талабалар, ўқитувчи ва мутахассислар ўртасида ўзаро алмашувлар фаоллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси икки то- монлама кенг қўламли алоқаларни янада ривожлантиришга катта аҳамият қаратади. Икки мамлакат ўртасидаги муноса- батлар ўз илдизлари билан узоқ ўтмишга бориб тақалади — Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатлар ўзаро иқтисодий ало- қаларини йўлга қўйишган. Бугунги кунга келиб бундай муно- сабатлар янги кучли туртки олгани ҳолда, улар ўзаро ишонч ва ҳурмат, икки томонлама манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкор- ликка асосланган.

Ўзбекистон делегациясининг Сеулга мазкур сафари ҳам то- монларнинг яқин ва кўп қиррали ҳамкорлик юзасидан астой- дил манфаатдорлигини яққол тасдиқлади. Фуқаролик жамия- ти институтларини, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш ва мустақамлаш мав- зуси кўпгина давлатлар, хусусан, Корея Республикаси учун ҳам долзарбдир. Давра суҳбати чоғида ушбу мавзуга бағиш- ланган қатор маърузалар тингланди. Мазкур дўст мамлакат- нинг олим ва мутахассислари Ўзбекистондаги ноёб ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла институтига жуда катта қизи- қиш билдиришди.

Тадбирнинг кореялик иштирокчилари ўзбек халқига хос анъ- ана ва қадриятларни асрлар давомида ўзада мужассам этиб келаётган маҳалла институти билан бағиш танишдилар. Алоҳида таъкидланганидек, мустақиллик йилларида ушбу институтининг роли жамият ҳаётида оғишмай ошиб бормоқда. Республика раҳбарияти томонидан маҳаллалар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, улар вазифаларининг қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институти билан яқин ҳамкорлигини таъминлашга қарати- лаётган эътибор ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда.

Тадбир чоғида кўп асрлик тарихга эга бўлган маҳалла мус- тақиллик йиллари давомида аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича ижтимоий аҳамиятга эга давлат дастурларининг ҳаёт- га татбиқ этилишида ажралмас ва муҳим иштирокчи бўлаёт- ганлиги қайд этилди. Баркамол авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оила институтини мустақам- лашда маҳалла алоҳида ўрин тутмоқда.

Таъкидланганидек, маҳалла институти сайлов ўтказиладиган идора ҳисобланади. Ўтган йил охирида бутун республика- да фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслахатчи- лари сайлови бўлиб ўтди. Сайловлар давомида маҳаллалар- да яшайдиган аҳолининг фаол қатнашганлиги маҳалла инсти- тутига бўлган ишончнинг ўсиб бораётганини, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида фуқаролар йиғинларининг иштироки муҳим аҳамиятга эга эканлигини яққол тас- диқлади. Бу жараён мамлакатда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда маҳалланинг аҳамияти ролини исботлади.

Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган- лари фаолияти учун мустақам ҳуқуқий замин яратилган. Унинг асосида маҳаллаларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари билан ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни ҳал қилишдаги ижтимоий ше- риклиги вақт ўтган сари янада самарали ва мазмундор бўлиб бормоқда. Давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилишида маҳалла институти аҳа- миятли бўлиб қолди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижонда тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида яратилаётган имтиёз ва имкониятлар- дан самарали фойдаланиш масалала- рига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда вилоятда фаолият юритаётган кўшма корхоналар, кичик бизнес ва ху- сусий тадбиркорлик субъектлари раҳ- барлари иштирок этди.

• Кўқон шаҳрида маданият ва дам олиш марказларида маданий-маъри- фий тадбирлар ҳамда тўғарақлар иши- ни ташкил этиш масаласига бағишлан- ган Республика илмий-амалий анжума- ни бўлиб ўтди. Маданият ва спорт иш- лари вазирлиги, Республика халқ ижо- диёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик маркази ҳамда Фарғо- на вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан ташкил этил- ган тадбирда маданият ва дам олиш марказлари раҳбарлари, соҳа мутахас- сислари иштирок этди.

• Бухорода «Хамшира — 2014» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 18 нафар хамшира билим ва малакасини намойиш этди.

• Навоий шаҳридаги Ёшлар спорт мажмуасида вилоятда спорт билан мунтазам шуғулланаётган 1 минг 681 нафар қиз ва кам таъминланган оила- ларнинг фарзандлари, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига миллий анъ- аналаримиз асосида тайёрланган спорт либослари топширилди.

• Ўзбекистон Республикаси Бади- ий академияси Қорақалпоғистон Рес- публикаси бўлимининг кўргазмалар саройида «Ранглар дунёси» деб ном- ланган кўргазма очилди. Соғлом бола йили муносабати билан ташкил этил- ган кўргазмада қорақалпоғистонлик 18 нафар таниқли рассомларнинг қирқдан зиёд картиналари намойиш этилмоқда.

ЖАҲОНДА

• Литвада бўлиб ўтган президент сайловларининг биринчи турида амал- даги давлат раҳбари Даля Грибаускай- те 45,83 фоиз овоз олганлиги ва бунинг галаба учун етарли эмаслиги сабабли иккинчи тур президент сайлов- лари 25 майга белгиланди. Унда Гри- баускайе билан Зигмантис Балчйтес ёки Артурас Паулаускас рақобатга киришади.

• Конго пойтахти Киншаса шаҳрида маҳаллий «Вита» жамоасининг «Мазам- бе» клуби билан учрашувида майдон эгалари 1:0 ҳисобида ютқазганларидан сўнг ишқибозлар ўртасида тўқнашув- лар бўлиб ўтди. Натижада 15 киши ҳалок бўлди, 20 дан ортиқ ишқибоз тан жароҳатлари олди.

• Япония ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ходимлари Иокогама шаҳрида 27 ёшли Имура исмли шахс- ни 3D принтерда курул ясаганлиги учун ҳибсга олишди. Маълум бўлишича, Имура ўз хатти-ҳаракатларининг ноқо- нуний эканлигини билмагани ҳолда, шундай принтер ёрдамида пластикдан бир неча тўппонча ясаган экан.

• Хитой бутун Африка бўйлаб ўтадиган тезюрар темир йўл қатновини бунёд этишда яқиндан ёрдам беришини маълум қилди. Бу борада кўрсати- ладиган молиявий ёрдам камида 12 миллиард долларни ташкил этади. Шунингдек, Хитой Африка Иттифоқида темир йўлларда тезюрар поездлар ҳара- катини ривожлантириш учун илгор тех- нологиялари билан ҳам кўмаклашади.

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Бадий академияси Марказий кўргазма-

лар залида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган кўргазма очилди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон тиббиётининг онкология тизими,

ушбу касалликнинг олдини олиш ва уни самарали даволашнинг замонавий усуллари ҳақида мат- буот анжумани ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Фафур Фулом но- мидаги маданият ва истироҳат

боғида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти томонидан «Сало- матликнинг ёш дўстлари» му- собоқасининг шаҳар босқичи ўтказилади.

Улугбек АСРОРОВ,
«Туркистон-пресс»



Ёшлар — келажакимиз

ОРЗУЛАРИ ОЙДИН ҚИЗ



Бугунги кун ёшларига ҳавас қилса арзийди. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ёшларнинг юксак маънавиятли, жисмонан соғлом, эртанги нурли келажакнинг ҳақиқий эгалари бўлиб вояга етишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Чунончи жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган замонавий олий ўқув юртлари, академик лицей, касб-хунар коллежлари, мактаб ва спорт мажмуалари улар ихтиёрида.

Эътиборлиси, ёшларнинг истеъдоди, иқтидори ҳамда имкониятларини юзага чиқариш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга ҳам катта эътибор қаратилади. Бундан руҳланган изланувчан, интилувчан ёшлар жаҳон майдонида катта-катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар, халқаро танловларда қатнашиб совринли ўринларни эгаллаб ўзларига билдирилган ишончини оқламоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси, Беруний, Ибн Сино, Улугбек, Навоий стипендияларига сазовор бўлиб тенгдошларига намуна, ибрат бўлмоқдалар. Бугунги суҳбатдошимиз ҳам талаба-ёшлар орасида намунали ўқиши, тиришқоқлиги, ўқир эҳси билан Навоий стипендиясига сазовор бўлган шундай изланувчан ёшлардан бири — Чарос Рўзибаевадир.

Ёшларимиздан китоб ўқишга, чет тилларни ўрганишга жуда қизиқар эдим, — дейди қахра-

монимиз. — Мана шу ният мени Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетига етаклади. Синовлардан муваффақиятли ўтиб талабалар сафидан ўрин олгандаги ҳаяжонни ҳозир ҳам гўёки қайтадан ҳис этгандай бўлман. Мана, ҳозирда анча доволарни ортда қолдириб университетнинг «Таржима назарияси ва амалиёти» факультетининг 4-босқичида тахсил олмакдаман.

— Маълумки, сиз соҳиби бўлган Навоий стипендиясига университет бўйича атиги уч нафар талаба эришган. Бунинг учун қатор саралаш босқичларидан ўтиш, тенгдошларингиз билан беллашув лозим бўлган. Шу жараёнда қандай нима дейсиз?

— Бу стипендияга эришиш талаба учун катта бахт ва омад. Устозлар ва ота-оналар олдидаги масъулият, таъбир жоиз бўлса, ўқувнинг меҳнатларининг ҳам ҳосили бу. Биз албатта рақиб эмас, дўстларча муносабат-

да синовлардан ўтдик. Чунки ҳаммамиз битта олийгоҳ талабалари, илмда ҳам, тил ўрганишда ҳам бир-бирдан қилиш-майдиغان даражада эдик. Мен корейс тилида имтиҳон топширдим. Уни университетда ўқиш давомида ўрганганман ва ҳозирда бемалол шу тилда гаплашиб, мулоқот қила оламан.

— Дарслардан бўш вақтингизда нималар билан машғул бўласиз?

— Такоррлаш — билимнинг онаси деган нақл бор. Инглиз тилидан қўшимча курсга бораман, рақс тўғрисида катнашаман, бадий асарлар ўқиш жону дилим. Севимли адибларим Уткир Хошимов, Абдулла Қодирий, Саид Аҳмад, жаҳон адабиётидан Оскар Уайлд асарларини қайта-қайта ўқийман. Ва ҳар сафар олдин ўқиганимда эътибор бермаган жиҳатларини кашф этаман.

— Сиз шеър ҳам машқ қилиб турар экансиз, нималар ҳақида ёзасиз?

— Шоирликка даъвогар эмасман. Ота-она, Ватан, севги-муҳаббат ҳақида кўнглимдан ўтганлари, юракдан чиққан сатрларни илҳом келганда қозғашга тушириб қўяман. «Хаёлларимда учрашамиз», «Севги сўзи билан», «Эрта тонгда учрашамиз», «Баҳор сеҳри» каби бир қатор шеърларим газеталарда чоп этилган.

— Маълумки, бугун ёшларнинг спорт билан шуғулланиб жисмонан соғлом тарзда вояга етишларига катта эътибор қаратилган. Сиз ҳам спортнинг бирон тури билан шуғулланасизми?

— Мактабда ўқиб юрганимда таэквондо билан шуғулланганман. Мусобақаларда катнашиб Ўзбекистон чемпионатида биринчи, иккинчи фахрли ўринларни эгаллаганман. Ҳозир вақтим камлиги сабаб спорт билан кўнглимдагидай шуғуллана олмаётиман, лекин

имкон қадар ҳаракат қиламан.

— Келажакда ўз олдингизга қандай мақсадларни қўйгансиз, қандай орзу ниятларингиз бор?

— Насиб этса магистратурада ўқишни давом эттириб, Президент стипендияси соҳиби бўлиш, Малайзияда ўқиш грантини қўлга киритишни ният қилганман. Ўз соҳамнинг билимдони бўлиш, Ўзбекистон номини дунёга танитадиган ёшлар сафидан ўрин олишни орзу қиламан. Тенгдошларимга ҳам «Ҳамиша олдинга интилинг, кучли билимга эга бўлинг. Ва қарабсизки марра сизники, оппоқ ойдин йўллари бизники», дейман.

Орзулари ойдин Чарос билан узоқ суҳбатлашиб, ақли теран, катта мақсадлар сари дадил қадам қўйиб йўлга чиққан талаба қизга орзуларининг йўлдошини бўйсин деб ният билдириб қоламиз.

Дилшода ДАУЛЕТБАЕВА, ЎзДЖТУ талабаси

ФАХРИЙЛАРГА ҲУРМАТ ВА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари музейида Хотира ва қадрлаш кўнига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, олий ҳарбий-таълим муассасалари курсантлари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, мактаб ўқувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-лейтенант Қ.Бердиев, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида Иккинчи жаҳон урушида халқ бўлган юртдошларимиз хотирасини қадрлаш, жанглардан омон қайтган ва бугун орамизда ҳаёт бўлганлар, фронт ортида меҳнат қилганларга эҳтиром кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони фахрийларимизга кўрсатилаётган ҳурмат-эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси дур.

— Биз, фахрийлар, фарзандларимиз ва набираларимиз бугунги дориломон кунларда, тинчлик-осойишталик ҳукм сураётган жаннатмонанд юрда яшашганимиздан бахтлимиз, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Мухтор Расулов. — Ҳар гал тантанали тадбирларга тақдир этилганда қалбимни фахрийларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор учун миннатдорлик туйғуси чулғаб олади.

— Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга бебаҳо ҳисса қўшган ота-оналар билан суҳбатлашув биз учун нихоятда қизиқарли, — дейди Тошкент ҳарбий-телекоммуникация академик лицейи ўқувчиси Наби Бобоев. — Иккинчи жаҳон урушида менинг катта бобом ҳам халқ бўлган. Мен бобом билан фахрланаман ва келажакда ҳарбий бўлмоқчиман.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари музейи экспозицияларини билан танишди. Улар учун байрам дастурхони ёзилиб, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли иштирокида концерт намойиш этилди.

Роман БОНДАРЧУК, ЎзА муҳбири

ДОРИЛОМОН КУНЛАРГА ШУКРОНАЛИК

Мирзо Улугбек туманидаги Амир Темур номли маҳаллада Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан ўтказилган тадбир маҳаллада истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига, фронт ортида фидойилик намуналарини кўрсатган инсонларга, нуруний отахон мунис онахонларга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром, иззат-икром маросимига айланиб кетди.

Маҳалла ҳудудида ўз-фаолиятини бошлаган «Олтин сарой» қаҳвахонасида ўтказилган ушбу маросим унинг ҳар бир қатнашчиси қалбига бир олам қувонч ва катта таассуротлар қолдирди.

Тадбирни қириш сўзи билан очган Амир Темур маҳалласи фуқаролари йиғини раиси Орқан Ҳўжаев бутун мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш кўнининг умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши давлатимиз инсонпарварлик сийбасининг ёрқин намунаси, инсон қадриятини улуғлаш, хотирасини ёд этиш халқимизга хос эзгу ғазилат эканлигини таъкидлаб, маросим иштирокчиларини ушбу кутлуг сана билан қўзғин таъбирлади ва уларга байрам совғаларини топширди.

Маҳаллада истиқомат қилиб келаётган, умрининг тўқсонинчи баҳори арафасида турган, истефодаги генерал, Иккинчи жаҳон уруши жангҳолида мардлик ва жасорат кўрсатган Абдуллажон Ортиқбойнинг уруш хотираларини ҳамма зўр ҳаяжон билан тинглади.

— Мана, ўн олти йилдирки, юртимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш кўни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаб келинмоқда, — дейди меҳнат фахрийси Ҳусан Валижонов. — Қарга бормайлик жойларнинг тўри биздек фахрийлар, нурунийларники. Бугун ҳам ушбу тадбирда уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётганидан бошимиз осмонга етмоқда.

Маросимда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Фулмон Зокиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Муқаддас Абдусаматова ўзларининг инсон қадри улуг ва азиз, хотираси муқаддас эканлигини тараннум этуви шеърларидан намуналар ўқидилар. Маҳалла фаолларидан Азизахон Усмонова, Зулфияхон Расулий, Ёқуб Мўминов, Уткир Мирпўлатов, Собир Қурбонов, Борис Чумаченко, Жасур Мирқомалов, Абдумалик Саидов ва бошқалар халқимизга Истиқлол берган буюк неъматларга шукроналар айтдилар. Турли тилларда янраган куй-қўшиқлар, ижро этилган рақслар маросимга ўзага руҳ, одамлар қалбига кўтаринкилик бахшида этди.

Хондамир СОЛИХОВ

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР МАҲОРАТИ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида Т.Жалилов номидаги Ўзбекистон Давлат академик халқ чолғулари оркестри иштирокида «Ёш истеъодлар» деб номланган концерт дастури бўлиб ўтди.

Муҳиддин Қориев номидаги Академик ва халқ бадий жамоалари дирекцияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари — «Янги авлод» фестивали қоллиблари, Миросмонов номидаги 1-ёш созандалар танлови лауреатлари ва «Камалат юлдузлари» болалар ижодиёти фестивали қоллиблари Давлат академик халқ чолғулари оркестри журлигида ўз истеъодларини намойиш этидилар. Концерт дастурида Д.Муталов ўзи раҳбарлик қилган оркестр жамоасини дирижёр сифатида бошқарди. Тадбир давомида республика миқёсидаги ҳамда халқаро кўриктанловлар совриндори Ўзбекистон Давлат консерваториясининг 2-босқич талабаси М.Ҳақимова ҳам ўзининг дирижёрлик қобилиятини намойиш қилди.

«Соғлом бола йилига бағишлаб ташкил этилган мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг ушбу концертидан қўзланган асосий мақсад истеъдодли ўқувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг қобилияти ва иқтидорларини рўйга чиқаришдан иборатдир.

Хуришда АБДУЛАЗИЗОВА, Ўзбекистон Давлат консерваторияси Шарқ мусикаси факультети 3-босқич талабаси

Ёшлик илҳомлари

Нигора Раҳимова Миробод саноат касб-хунар коллежиди тикувчи дизайнер йўналишида II босқичда таълим олмакда. Сухандонлик, телебошловчиликка қизиқади, бўш вақтларида бадий китоблар мутолаа қилади. Ўн йилдан буён турли мавзуларда шеърлар битади. Қуйида илк бор унинг айрим шеърий машқларини газетхонлар эътиборига ҳавола этамиз.

ВАТАНИМ

**Ёшлик осмониди юлдуз порлайди,
Гўё майса билан бирлашар таним.
Мусаффо кенгликлар бахтга чорлайди,
Дўстлар бахтга, доямикан Ватаним.**

**Тупроғи кўзимга бўлсин тўтиё,
Гул-боғлари гўзал — жаннат чаманим.
Бахтиман, қувончим англа эй, дунё
Суянганди қоя экан Ватаним.**

**Инсон ҳаётининг матраби меҳр,
Кўнгил асроридан сўйловчи сеҳр.
Умрининг энг доно палласи шудир,
Ота экан, она экан, Ватаним.**

БАХТИМГА СОҒ БЎЛИНГ,
ДОИМ ДАДАЖОН

**Кечирдингиз қилсак гоҳида хато,
Умримизни сўраб қиласиз дуо.
Ҳақ йўлга йўллайсиз бизни доимо,
Бахтимга соғ бўлинг, доим дадажон.**

**Кўзимни тўлдириб севинч ёшига,
Етказган ўзингиз бахтининг қошига.
«Мулоим бўл» дейсиз ёмон-яхшига
Бахтимга соғ бўлинг, доим дадажон.**

**Сиз бизнинг суянган улкан тоғимсиз,
Сиз бизнинг ишониб юрган боғимсиз,
Сиз менинг борлигим, дил ардоғимсиз,
Бахтимга соғ бўлинг, доим дадажон.**

Нигора РАҲИМОВА

МУШТАРИЙ — УЧ КАРРА
ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ

Болалик орзу-умидлар, хоҳиш истаклар гуллаб-яшнайдиган беғубор давр. Инсоннинг қизиқишлари, дунёқараши, таълим-тарбияси болалигиданоқ шаклланади ва ривожланади. Бежизга катталар ҳам бола бошидан маълум, дея эътироф этмайдилар.

Лавҳамиз қаҳрамони Муштарий Одилова ҳам ана шундай интилувчан ёшлардан бири. Шаҳримиздаги 242-умумтаълим мактабда ўқиб билан бирга Муштарий болаликдан спортнинг сузиш, волейбол, комбат-айкидо, Шарқ яққаурашлари ва жанг санъати турлари билан шуғулланиб келади. У эндигина 16 ёши қаршилаганига қарамай қўллаб ютуқларни қўлга киритган.

Унинг спортга қизиқиши мактабдаги волейбол жамоасига аъзо бўлиш сари етаклади. Мазкур жамоа «Умид нисоллари» спорт мусобақаларида бир неча бор фахрли ўринларга эришиб келди. 2003 йилдан спортнинг сузиш ҳамда комбат-айкидо турлари билан ҳам шуғулланиб келади. Ўтган йили Андижон вилоятининг Ҳўжабод туманида ўтказилган комбат-айкидо бўйича очик турнирда иштирок этиб, биринчи ўринни қўлга киритди, сўнг Тошкент шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида катнашиб, яна зафар қўчди.

Ҳозирги кунда ТДТУ қошидаги компьютер технологиялари академик лицейининг учинчи босқич ўқувчиси.

— Бўш вақтларида миллий ва тўй либосларини

тикиш билан шуғулланаман, — дейди Муштарий Одилова. — Келажак режаларим ҳам бисёр — бир неча чет тилларни пухта эгаллаб, журналист бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Ҳозирги кунда рус тилида бемалол сўзлаша оламан. Мустақил ҳолда француз ва инглиз тилларини ўрганиб келмоқдаман. Ўтган йили 26-29 сентябрь кунлари Халқаро комбат-айкидо ассоциацияси томонидан ўтказилган ёшлар ва катталар ўртасида Ўзбекистон кубогига катнашиб, қоллибники қўлга киритдим ва уч карра Ўзбекистон чемпиони бўлдим.

Муштарийни том маънода лицейимизнинг, Ватанимизнинг фахрланаси арзийдиган ёшларидан бири десак, муволафа бўлмайди.

**Юлдуз ЎРМОНОВА,
ТДТУ қошидаги компьютер
технологиялари
академик лицейининг учинчи босқич ўқувчиси,
Зулфия номидаги Давлат
мукофоти совриндори**



«Камолот»: янги лойиҳалар

ШАҲРИМИЗ ОЗОДАЛИГИ ЙЎЛИДА

Чилонзор туман ҳокимлигида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши томонидан «Камолот» етакчиларни қадрлайди» шиори остида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

лари, дам олиш масканлари, сув ҳавзалари ва бошқа жамоат жойларини тоза ва озода сақлашга ўргатишдан иборат, — дейди биз билан суҳбатда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвдидинов. — Қолаверса, ёшларни атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, она табиятни асраш, унинг неъматларидан оқилона фойдаланишга ўргатиш, теварак-атрофни қозғачиқиндиларидан тозалашда ушбу лойиҳа муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш керакки, танлов иштирокчилари яқинда ҳолатга келиб қолган қозғачиқиндиларидан ўзлари тахсил олаётган таълим муассасаси «Камолот» ёшлар

ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотига топширишди. Бошланғич ташкилотда жамланган чиқиндилар умумлаштирилиб, Ҳаракатнинг туман Кенгаши орқали қайта ишлаганга жўнатилди.

Тумандаги умумий ўрта таълим мактаблари ўртасида ўтказилган танловнинг якуний натижаларига кўра, 220 кг қозғачиқиндилар 182-мактаб жамоаси 1-ўринни эгаллади. 173-мактаб жамоаси 202, 201-мактаб вакиллари 201 килограмм қозғачиқиндиларини топшириб иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритдилар. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўртасида эса 1-Тошкент педагогика коллежи биринчи, Чилонзор тиббиёт коллежи ҳамда Респуб-

лика тиббиёт коллежи иккинчи ва учинчи ўринларни банд этишди. Уларга ташкилотчилар томонидан диплом, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди. Тенгдошлари ичида мазкур лойиҳада энг фаол иштирок этган ўқувчилар ҳам алоҳида тақдирланди.

Тадбир якунида «Баркамол авлод» болалар ижодиёти маркази, Тошкент Давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик лицейи, 12 ва 103-мактабларнинг ўқувчилари ижросида дилрабо куй-қўшиқлар, бетакор рақс ва спорт томошалари намойиш этилди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
ЎзДЖТУ талабаси

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Чилонзор туман ҳокимлигининг туман дастури ижросини таъминлаш мақсадида 2014 йил март ва апрель ойларида «Қозғачиқиндиларисиз тоза Чилонзор» лойиҳаси ташкил этилди. Мазкур лойиҳа, яъни экологик танлов тумандаги умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида тахсил олаётган ўқувчилар ўртасида ўтказилди.

Тадбирда ушбу лойиҳада фаол иштирок этган ёшлар рағбатлантирилди. Туман ҳокимининг ўринбосари Акмал Қасимходжаев, туман ҳокими маслаҳатчиси, «Нуруний» жағмамаси туман бўлими раиси Обид Аҳмедов, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими шўъба мудири Жамила Абдиева, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Гулчехра Досметовалар мазкур лойиҳанинг аҳамияти ва таълим муассасаларининг фаол иштироки ҳусусида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Ушбу экологик танловни ўтказишдан мақсад туманимизни янада ободонлаштириш, ёш авлодининг экологик ва эстетик маданиятини юксалтириш, истироҳат боғ-

